

ЎЗБЕК ТИЛИ

9 – класс

№1. “Тоза барглар соламиз, куртимизга ёқсин деб “Эргаш гап бош гапга қандай восита билан боғланган?

- а) кўмакчи орқали
 в) боғловчилар орқали
 б) -деб сўзи орқали
 г) оҳанг ёрдамида

№2. Арабча “интилиш”, “ният”, “бағишлов” маъноларини англатадиган жанр ...

- а) Достон
 б) Тўртлик
 в) Қасида
 г) Рубоий

№3. Халқ достонларида учрайдиган ифода ва тасвирлар фольклоршуносликда нима деб аталади?

- а) Асотирлар
 б) Эпик қолиплар
 в) Афсона
 г) Лирик чекиниш

№4. “ Бундан чиқдики, биз золим бой-у сиз батрак экан-сизда”.

- Юқоридаги гап эргаш гапнинг қайси тури?
 а) Эга эргаш гапли қўшма гап
 в) Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап
 б) Ҳол эргаш гапли қўшма гап
 г) Тўғри жавоб берилмаган

№5. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг мазмуни бир-бирига зид бўлса улар орасига қандай тиниш белгиси қўйилади?

- а) Вергул
 б) Нуктали вергул
 в) Тире
 г) Ҳеч қандай белги

№6. Эгалик қўшимчаси қайси сўзда берилган.?

- а) Дўстлик
 б) Гуллар
 в) Ватаним
 г) Мактабда

№7. Эргаш сўзлар кўчма маънода қўлланган қаторни аниқланг

- а) Кенг кўча, чиройли уй, аччиқ совуқ
 в) Кумуш қошиқ, темир интизом, тилла соат
 б) Кумуш киш, қора совуқ, тилла бола
 г) Тикансиз гул, қўли гул, гул ўтказдим

№8. Эргаш гапнинг қайси турида бош гапнинг кесими кўрсатиш олмоши билан ифодаланади?

- а) эга эргаш гапларда
 в) тўлдирувчи эргаш гапларда
 б) кесим эргаш гапларда
 г) тўсиқсиз эргаш гапларда

№9. Боғловчисиз қўшма гапни аниқланг?

- а) Билимлар калити-китоб.
 в) Осмон кўм-кўк.
 б) Сув келди –нур келди.
 г) Бу-ўша мен айтган киши.

№10. “Шинель жикқа хўл, Бектемирнинг юзидан томчилар куйилар эди” гапи қандай қўшма гап?

- а) Боғланган
 в) Бир неча эргаш гаплар
 б) Эргашган
 г) Боғловчисиз

№11. Қўшма гап қайси жавобда берилган ?

- а) Ҳаво айниди, лекин ёмғир ёлмади.
 б) Ватанни севмоқ иймондандир.
 в) Талабалар ўйнади, кулди.
 г) Нигора келиб, уйларни супирди.

№12. Қуйидаги гаплардан боғланган қўшма гапни аниқланг.

- а) Манзилга эрта тонгда етдик.
 б) Собира тезда ўзини қўлга олди ва жавоб берди.
 в) Олма кўм-кўк, аммо ширали экан.
 г) Дарс бошланди, аммо ўқитувчи ҳамон келмади.

№13. “Бир оз вақт ўтгач, иш бошлаб юборилди” гапи эргашган қўшма гапнинг қайси турига киради?

- а) Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап.
 б) Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап.
 в) Ўрин эргаш гапли қўшма гап.
 г) Пайт эргаш гапли қўшма гап.

№14. Кириш сўз ишлатилган гап қайси жавобда кўрсатилган?

- а) Юртим, сенга шеър битдим букун.
 в) Демак, тез кунда ёруғ кунлар келади.
 б) Яхшилик ҳеч қачон ерда қолмайди.
 г) Айтинг, қачон келасиз?

№15. Боғланган қўшма гапнинг таърифи қайси жавобда берилган?

- а) Таркибида бош бўлақлардан бири иштирок этади.
 б) Таркибида иккинчи даражали бўлақлар иштирок этади.
 в) Содда гапларнинг ўзаро тенг боғланишидан тузилади.
 г) Бош ва эргаш гаплар тобеланиш асосида боғланади.

№16. Жавобларнинг қайси бири зидлов боғловчили боғланган қўшма гапга мисол бўлади?

- а) Шу чоқ қўнғироқ чалинди-ю, болалар синфларга киришди.
 б) Уруш тугагану, қаҳатчилик ҳали бор эди.
 в) На бирор уйнинг мўрисида тун чикади, на бирор дарахт кўринади.
 г) Сиз ташаккурнома олдингиз, менга эса хайфсан беришди.

№17. Боғловчисиз қўшма гапга келтирилган мисолни кўрсатинг.

- а) Мен ҳамма меҳмонлар билан кўришдим-у, лекин Дилшодни кўрмадим.
 б) Денгиз сокин, атроф яққол кўринар эди.
 в) Королёв майорни довюраклиги, софдил ва ростгўйлиги учун яхши кўрарди.
 г) Унинг меҳнатда чиниққан қорамтир юзида, шонли, тийрак йирик кўзларида болаларча масъумлик жилваланади.

№18. Боғловчисиз қўшма гапни аниқланг.

- а) Тонг отди, аммо ҳамма уйкуда.
 в) Ўқийман деб, кечқолдим.
 б) Қўшиқ тугагач, ҳамма олқишлади.
 г) Қоронғи чўккан, юлдузлар милтиллади.

№19. “Яхши билан юрсанг, етарсан муродга” гапидаги эргаш гап турини аниқланг.

- а) Равиш эргаш гап.
 б) Пайт эргаш гап.
 в) Ўрин эргаш гап
 г) Шарт эргаш гап.

№20. Қўшма гап турларини аниқланг.

- а) Содда гап, йиғиқ гап
 б) Боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап, боғловчисиз қўшма гап.
 в) Уюшиқ бўлакли гап, ажратилган бўлакли гап.
 г) Бир бош бўлакли гап, икки бош бўлакли гап.

№21. Қайси жавобда боғланган қўшма гап берилган?

- а) Бир қаватли, лекин баланд уйга кирдик. б) Баҳор келди, аммо кунлар исимади.
в) Кўп ўқисанг, гидрокинг баланд бўлади. г) Нима эксанг, шуни ўрасан.

№22. Боғланган қўшма гапни аниқланг.

- а) Ҳалол меҳнат, инсонни улуғлайди, бахтга етиштиради.
б) Лола энг оз умр кўрувчи ўсимлик.
в) Кеч бўлди, лекин кўчалар гавжум.
г) Сардор тўғри иш қилди.

№23. “Ҳаво иссиқ, аммо ҳамма далада” гапи қандай қўшма гап турига киради?

- а) Боғланган б) Эргашган
в) Боғловчисиз г) Бир неча эргаш гапли.

№24. Қуйидаги бандда қандай бадий тасвир воситаси бор?

Тол кесганим йўқ эди,
Толдирди билагимни.
Ёр суйганим йўқ эди,
Куйдирди юрагимни.

- а) Истиора б) Параллелизм
в) Ҳашатиш г) Сифатлаш

№25. “Муסיқа гоҳ баландлар, гоҳ қизлар шовқини босиб кетар эди” гапидаги содда гаплар ўзаро қандай боғланган?

- а) Зидлов боғловчиси билан. б) Айирув боғловчиси билан
в) Оҳанг ёрдамида г) Эргаштирувчи боғловчи билан.

№ 26. Қайси жавобда қаратқич келишигининг қўшимчаси ўрнида тушум келишигининг қўшимчаси ёзилган?

- а) гулни ҳиди, нонни мазаси б) соябонни очди, узумларни уздик
в) сувни ичдим, рўйхатни ўқидим г) ютукни тўлашди, гапни тугатди

№ 27. Ўзакдош сўзлар қаторини аниқланг.

- а) курак, кулдон, кулги б) бўёқла, бўёқли, бўёқчи, бўёқсиз
в) заргар, гулчи, арвақаш г) туздон, тўсиқ, бостирма

№ 28. Зидлов боғловчилар қаторини белгиланг.

- а) аммо, лекин, бироқ б) гўё, гўёки, яъни, башарти
в) чунки, агар, шунинг учун г) гоҳ-гоҳ, ёки, ё, дам

2- бўлим. 2-бўлимда 2 тест топшириғи бор

Бу бўлим мос келтириш вазифаларидан иборат. Чап тамонда берилган ҳар бир элементга ўнг томонда берилган элементларнинг ичидан мос келганини танланг. Устундаги бўш жойларга мос келган рақамни ёзинг.

2.1. Қуйида эргаш гапли қўшма гапнинг турларига келтирилган мисолларни вазифаларига қараб мосланг.

А) Аниқловчи эргаш гап	1) Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ.
Б) Шарт эргаш гап	2) Кимнинг ақли қалта бўлса, унинг тили узун бўлади.
В) Тўлдирувчи эргаш гап	3) Ким кўп ўқиса, у кўп билади.
Г) Эга эргаш гап	4) Сиз нима билан хурсанд бўлсангиз, мен ўшани бажаришга тайёрман.
	5) Беш қўл баробар эмас

Жавоби:	А	
	Б	
	В	
	Г	

2.2. Қуйида берилган адабий тил услубларини маъносига қараб мослаштиринг.

А) Илмий услуб	1) Зуннунхўжа қовоғини солиб тескари қаради, тўнғиллади...
Б) Сўзлашув услуби	2) Ҳужжатларни шаҳар маорифи бўлимига топшириш синф раҳбари ҳамда мактаб илмий мудирини зиммасига юклатилсин.
В) Публицистик услуб	3) – Баракалла, ўғлим, баракалла, - деди Қурбон ота кулиб.
Г) Расмий-идоравий услуб	4) Олтин Ўрда тарихи билан шуғулланувчи чет эллик олимлардан Хаммер-Пургштал, М. Дегин ва Г. Ховорларни кўрастиш мумкин.
	5) Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида 360 мингдан зиёд қирғизистонликлар жанг қилдилар. Уларнинг ҳар тўрттасидан бири жангларда ҳалок бўлди.

Жавоби:	А	
	Б	
	В	
	Г	

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

1-бўлимдаги 28 тест топшириғи 1 балл билан баҳоланади.

2-бўлимдаги 2 тест топшириғи 3 балл билан баҳоланади.

Жами топшириқларнинг миқдори – 30

баллари	баҳо
0-14	«2»
15-19	«3»
20-25	«4»
26-34	«5»